



ҚОЗОҒИСТОН БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Ерлан Кошановни қабул қилди.



Учрашув аввалида Қозоғистон Мажлиси-нинг Раиси давлатимиз раҳбарига Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Сўхбатда икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустақамлашиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Узаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари ва қўшма корхоналар сони барқарор ўсиб бормоқда, автомобилсозлик, тўқимачилик, электротехника, логистика ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси ўртасидаги Парламентлараро кенгашининг бугун бўлиб ўтган биринчи йиғилишининг самарали натижалари алоҳида қайд этилди.

Олий даражадаги келишувларни сўзсиз бажариш, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни ва маданий-гуманитар алмашинуви кенгайтириш мақсадида яқин парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасида, ўз-ўзини бошқариш органларини ривожлантириш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида тажриба алмашиш, шу жумладан, ёш депутатлар делегацияларининг ташрифларини ташкил этиш ҳамкорлигининг муҳим йўналиши сифатида белгилаб олинди.

ЎЗА

ЭНЕРГЕТИКА ИСЛОҲОТИДАГИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурда 26 октябрь куни энергетика бозори регулятори фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича тақдирот ўтказилди.

Мамлакатимиз энергетика соҳаси босқичма-босқич ислоҳ қилиб келинмоқда. Биринчи босқичда бошқарув тизими ўзгартирилди. Сунги йилларда 22 та электр станцияси, жумладан, илгари генерация бўлмаган вилоятларда янги станциялар ишга туширилди. Электр генерация тизимига илк бор хусусий капитал жалб қилинмоқда.

Ҳозирги кунда жами қувватлар 85 миллиард киловатт соатга етган. Келгуси йилларда яна 20 гигаваттлик қувватларни ишга тушириш мўлжалланган. Етти миллиард доллар хусусий сармоя эвазига 9 гигаватт қувват яратиш режалаштирилган.

Жадал ривожланаётган иқтисодиётимиз ва аҳолининг икки бораётган талабини қондириш учун электр ишлаб чиқариш ҳажмини камида 120 миллиард киловатт соатга етказиш мақсад қилинган. Янги қувватларни ишга тушириш ва тармоқларни тўлиқ модернизациялашга 52 миллиард доллар инвестиция зарурлиги қисқиб-қитиб қилинган.

Бундай катта ҳажмдаги инвестицияларни хусусий сектор иштирокисиз шакллантириб бўлмайдми. Соҳанинг хусусий инвесторлар учун жозибadorлигини ошириш учун эса, халқаро тажриба кўрсатганидек, энг аввало, очиқ рақобат муҳитига эга энергетика бозорини яратиш керак.

Айни шу мақсадлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган.

Унга кўра, 2026 йилга бориб, электр энергияси талаб ва таклиф асосида шаклланидиган эркин, улгуржи бозор ишга тушади. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, бозор инфра-тузилмасини яратиш, энергетика тизимини энг қўйи бўлинига қадар рақамлаштириш, инсон омилсиз реал вақтда ишлайдиган ақлли бошқарув тизимини (SCADA) жорий этиш зарур.

Қўллаб-даватларда бу ислохотлар учун 15 йил вақт кетган. Мамлакатимизда бунинг уч босқичда,

2030 йилгача яқунлаш режалаштирилган.

Шу боис, фармонга мувофиқ, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги тузилди ҳамда унга энергорегулятор вазифаси юклатилди.

Тақдиротда энергетика вазири Ж.Мирзамаҳмудов фармонда белги-ланган чора-тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва соҳадаги режалар ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга республикани электр билан таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Бунда, эркин энергетика бозорига ўтишнинг асосий шарти мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талабни тўлиқ таъминлаш учун етарли генерация қувватларини яратиш экани алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ягона электр савдоси платформасини яратиш ва 2024 йил якунига қадар уни синовдан ўтказиб, ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз энергетика бозорини эркинлаштириш жараёнида электр энергиясини аҳолига республиканинг барча ҳудудларида 2035 йилга қадар бир хил нархда сотилиши талабига ҳамда тарифларни белгилашда ижтимоий ҳимоя принципида қатъий риоя этиш шартлигини таъкидлади.

Янги тизим самарали ишлаши учун унга йўналиш — кадрлар тайёрлаш, тармоқнинг илм-фан билан узвийлигини таъминлаш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Бундай комплекс ишлаш тартибини марказдан тартиб ҳудудларгача татбиқ этиш топширилди.

Шу боис, агентликка билимли мутахассис ва хорижий консултантлар ишга олинади. Ходимлар Испания, Хитой, Туркия ва Германияга малака оширишга юборилди. Хорижий тажриба асосида юртимизда ҳам муҳандис, диспетчер, SCADA оператори ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув курслари ташкил қилинади.

Тақдиротда кўриб чиқилган масалалар юзасидан соҳа масъулларига қатор топшириқлар берилди.

ЎЗА

НУҚТАИ НАЗАР

“ЯШИЛ” ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР

Минглаб чақирим ўлкаларга чўзилган қадимий Буюк ипак йўли асрлар мобайнида тинчлик ва ҳамкорлик бир-бирини ўрганиш, ўзаро мулоқот макони бўлиб, халқлар фаровонлигига хизмат қилиб келган. Бу йўл бутун инсоният тамаддунининг бебаҳо бойлигига айлангани билан аҳамиятлидир. Хитой томонидан илгари сурилган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси “Буюк ипак йўли”нинг аҳамиятини, кадрини оширишга қаратилиб, давлатлар ўртасида сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, коммуникацияларни бирлаштиришга кўмаклашиш, савдо алоқаларини либераллаштириш, капитал ҳаракатини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Ўтган йиллар давомида ўнлаб давлатлар умумий мақсад йўлида бирлашди, “Макон ва йўл” ташаббусларининг географик қамрови Евроосиёдан Африка ва Лотин Америкасигача бўлган маконни ўз ичига

олади. 140 дан зиёд мамлакат ва 30 та халқаро ташкилот “Бир макон, бир йўл” доирасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаган.

▶ Давоми 2-бетда

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

БУГУН ТАЛАБАНИ АУДИТОРИЯДА ШУНЧАКИ УШЛАБ ЎТИРОЛМАЙСИЗ...

УНИ МУТАХАССИСЛИККА ҚИЗИҚТИРИШ УЧУН БОШҚАЧА ЙЎЛ ТУТИШ КЕРАК

Фан-техника глобаллашуви мамлакатимизда драйвер соҳалар, жумладан, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, ветеринария ва чорвачиликни тубдан такомиллаштиришни талаб этмоқда. Ҳозир ишлаб чиқаришдаги деярли барча соҳа шунчаки олий маълумотлиларни эмас, балки интеллекти ривожланган, ижодий қобилиятга эга, мустақил фикрлайдиган, меҳнат бозори рақобатини енгиб ўтадиган ёш мутахассисларни жалб қила бошлади. Ёшларга таълим-тарбия бериш, мутахассислик сирларини ўргатиш билан бирга эгаллаган билим ва қўникмасини бевосита ишлаб чиқариш корхоналари билан боғлашдек мураккаб вазифаларни ҳал этиш бугун ОТМлар олдида турган долзарб масалалардан бирига айланиб улгурди.

▶ Давоми 5-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ЯНГИ МАРРАЛАР, КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари 24-25 октябрь кунлари Қашқадарёга ташрифи давомида вилоятда мавжуд имкониятлар ишга солинаётганини юқори баҳолаб, натижадорликни ошириш борасида қатор вазифаларни белгилаб берди. Вилоятда куз-қиш мавсумига тайёрларлик жараёнлари ҳамда Қарши шаҳрида бунёд этилган “Она ва бола” маркази фаолияти билан танишди.



Қашқадарё вилояти иқтисодиёти барқарор ривожланиб, аҳолининг турмуш шароити кундан-кунга яхшиланмоқда. Бунинг учун бир йўналишдаги натижалар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якуни бўйича воҳда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 105 фоиз (26 триллион сўм), саноат ишлаб чиқариши 106 фоиз (14 триллион сўм), қишлоқ ҳўжалиги 103 фоиз (13 триллион сўм), қурилиш-пудрат ишлари 103 фоиз (4 триллион сўм), хизмат кўрсатиш 113 фоиз (9 триллион сўм) ўсди.

Маҳаллий бюджет даромадлари 2 триллион 22 миллиард сўмни ташкил этиб, қўшимча 187 миллиард сўм жалб этилди.

Ҳисобот даврида уч юз мингга яқин аҳоли, шундан 78 мингдан ортиқ ёшнинг бандлиги таъминланди. Албатта, бу натижалар ўзидан кўлга киритилгани йўқ. Ислохотларга кенг йўл очилиши, тадбиркорлик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самараси бу.

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи ҳам меҳнаткаш, мард ва танти, забардаст воҳаликлар учун қувончли воқеаларга бой бўлди. Қатор имкониятлар эшиги очилиб, янги босқич сари дадил қадам ташланди. 4-саҳифамазда ўз соҳасининг етакчи ва фидойилари, ишбилармон тадбиркорлар ҳамда ташаббускорларнинг ташрифта оид фикр-мулоҳазалари, таассуротлари билан танишасиз.

▶ Давоми 4-бетда

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

“ИККИ ЭҚТИЁЖ” ВА “УЧ КАФОЛАТ” ТАМОЙИЛИ

ишсизликни камайитириш ва камбағалликни қисқартириш билан кўр олади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида халқимиз турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсат туфайли мамлакатимизда 2017 йилдан буён камбағаллик икки баробарга қисқаргани, 2030 йилгача уни 7 фоизга тушириш режа қилингани ҳақида маълум қилди.

Бу гап замирида янги Ўзбекистоннинг очиклик сиёсати ва халқпарвар ислохотлари мазмуни акс этади. Нима учун шундай? Негаки, биз яқин-яқингача оддий инсонлар турмушидаги бор ҳақиқатларни, ҳаётдаги реалликни яшириб келдик. Шу жумладан, мамлакатимизда камбағаллик мавжудлиги ҳақида лом-ним демедик.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейилганидек, Ўзбекистон халқининг ҳақиқий турмуш шароитини яширишнинг иложи йўқ эди. Бу ҳақда хориж нашрлари қайта-қайта бонг уради, биз эса уларни ноҳақликда айблашдан нарига ўтмасдик.

Аслида эса камбағаллик мавжудлигини яширмасдан, унга қарши курашсак, иш ўринлари кўпайса, одамлар доимий даро-

мад манбаига эга бўлса кишилар фарзандларини ўқитиши, жамиятга элим дейдиган, билимли, салоҳиятли ёш кадрларни етказиб беришини эътиборга олмадик.

Бугун жамиятимизда бу қарашлар тубдан ўзгарди. Ўзбекистонда ҳам камбағал оилалар борлиги очик айтилди. Халқни иқтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланди.

Жамиятга назар солсак, бу борадаги чора-тадбирлар аввалгидек қозғола эмас, реал ҳаётда акс этаётганига гувоҳ бўламиз: иш ўринлари кўпаймоқда, аҳоли бандлигини таъминлаган тадбиркорларга ҳар томонлама имтиёзлар берилмоқда, иқтимоий ҳимояга муҳтож аёллар янги тизим орқали қамраб олинди, қўллаб-қувватланмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

“ЯШИЛ” ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ЛОЙИХАЛАР



Илҳомжон ТҲУХТАСИНОВ,
педагогика фанлари
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил учинчи марта “Бир макон, бир йўл” халқаро ҳамкорлик форуми ўтказилди. 20 дан зиёд тематик платформага асос солинган лойиҳа доирасида ривожланаётган давлатларда уч мингта лойиҳа ишга туширилгани, уларга деярли бир триллион доллар сармоя киритилгани ташаббуснинг мафкуравий қарама-қаршиликлардан холилигидан далолат беради. Ташаббус ҳам амалий лойиҳалар, ҳам институционал тузилмалар билан бойиб бормоқда. Қўшма маслаҳатлашувлар, биргаликда олиб борилаётган куриллишлар, аҳолининг фаровонлиги ва барқарор ўсиш, очик ва ҳалол ривожланишни мўлжаллаган ҳолда юксак марраларни эгаллаш тамойилига айланган.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, “Бир макон, бир йўл” доирасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Хитой Эқсимбанки ва Тараққиёт банки 350 миллиард юан микдорда, Ипак йўли фонди 80 миллиард юангагача кредит линияларини очмоқда. Бу галги форум доирасида

ўтказилган Бош ижрочи директорлар конференциясида 972 миллиард АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланди. Хитой одамлар ҳаётини яхшилаш мақсадида яна 1000 та лойиҳани амалга оширомоқчи.

Қолаверса, Хитой ўз ташаббуси доирасида Европада ўнлаб миллиард доллар сармоя киритди. Грециянинг Пирей порти ташаббус доирасида энг кўп сармоя киритган ҳудудлардан саналади. Маблағлар Греция иқтисодиётига кўтарди. 2013 йилдан буён порт билан ишлайдиган контейнерлар сони беш баробар ортган. Европа Иттифоқининг ўндан ортиқ давлати ташаббусга аъзо. Пекин Ғарбий Болқон ва Шарқий Европада қўллаб-қувватлашнинг жумладан, Хитойни Европа билан боғловчи темир йўллари ҳам молиялаштирган. Венгрия 2022 йилда Хитой инвестициясини энг кўп жалб қилган давлат бўлди. Бу ерда янги магистраллар қурилди. Будапештдан Сербия пойтахти Белградгача темир йўл линияси ётқизилмоқда.

Пекиндаги форумда қатнашган давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жаҳондаги етакчи давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч инқирози туфайли вужудга келган ҳозирги гео-

сиёсий беқарорлик шароитида ушбу дастурнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Икки мамлакат ҳамкорлиги ҳақида сўз кетганда, иқлим масалалари доимий эътиборда бўлиб келаётганини таъкидлаш ўринли. Чунки Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё ҳаётдаги иқлим ўзгариши оқибатларидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан биридир. Хитойнинг “Яшил ипак йўли” ташаббуси иқлимни яхшилашга қаратилган бўлиб, умумий “яшил” келажак кун тартибини шакллантиради. Янги бизнинг мамлакатимизга ҳам фойдаси бор. Ушбу ғоя Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин томонидан илк бор 2016 йилда айнан бизнинг мамлакатимизда эълон қилинган ҳамма-мизга яхши маълум. Ҳозирги вақтда боғловчи темир йўллари ҳам молиялаштирилган. Венгрия 2022 йилда Хитой инвестициясини энг кўп жалб қилган давлат бўлди. Бу ерда янги магистраллар қурилди. Будапештдан Сербия пойтахти Белградгача темир йўл линияси ётқизилмоқда.



БИЗ ВА ДУНЁ

БУТУНЖАҲОН ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИДА “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотининг (ФАО) Римдаги қароргоҳида Бутунжаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитасининг 51-сессияси бўлиб ўтмоқда.



Тадбирда “2023 йил дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги ва озиқ-овқат ҳўжалиги ҳисоботи”ни ҳисоботи иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Ҳисоботда очарчиликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва озиқ-овқат ҳўжалигини яхшилаш мақсадларига эришишдаги муаммолар ҳамда юзага келаётган тенденциялар чуқур таҳлил қилинган.

Сессиянинг умумий йиғилишида Ўзбекистон вакили сўзга чиқиб, мамлакатда амалга оширилаётган туб изоҳотлар натижасида сўнгги олти йилда камбағаллик икки баробарга қисқарганини таъкидлади. Тақдим этилган ҳисоботда Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси, ёш болаларда ўсиш суръати ва вазн йўқотиш каби кўрсаткичлар яхшилангани акс этгани таъкидланди.

Ўзбекистон вакили, шунингдек, жорий йил сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан иштирокчиларни таништирди. Қайд этилганидек, 2030 йилга қадар мамлакатимизда камбағалликни 7 фоизга тушириш режалаштирилган. Янги стратегияда қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини ошириш учун соҳага жами 15 мил-

лиард доллар инвестиция жалб қилиниши белгиланган. Шунингдек, иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик, экологик вазият, хусусан, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш бўйича қатъий чоралар белгиланганига уруғ берилди.

“Бутунжаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси йиғилишида, шунингдек, гендер тенглиги, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ёшларни қишлоқ ҳўжалигига жалб қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши назарда тутилган.

Бутунжаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитасининг вазифаси дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати бўйича даврий ҳисобот тайёрлаш, глобал аҳамиятга эга стратегия ва бошқарув қондаларини ишлаб чиқишдан иборат. Қўмита томонидан қабул қилинган ҳужжатлар юқори нуфузга эга бўлиб, унинг ҳисоботлари ФАО Конференцияси ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан баҳоланади.

“Дунё” АА

Рим

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

МАҲАЛЛАЛАРДА ШУНДАЙ АЁЛЛАР БОР

Сайёра Қорабоева 2019 йилда Амударё туманидаги “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар фаоли сифатида иш бошлаганга қадар 31-мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келарди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультетини тамомлаган Сайёра учун ўқувчи-ёшлар, ҳамкасблари, она-оналар билан ишлаш ҳаётий тажриба мактаби бўлди. Шунданми, Фаровон маҳалласи хотин-қизлар фаоли сифатида иш бошлаганида аҳоли билан мулоқот борасида асло қийналмади, устоз сифатидаги кўп йиллик тажриба маҳалла аҳли билан тил топишиб кетишида муҳим омил бўлди.

Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва МФЙ кенгаши аъзолари билан ҳамкорликда фаолиятини хондонбай ишладан бошлаган Сайёранинг ён дафтарида 1261 аёл-қиз, уларнинг турмуш тарзларига оид ечимини кутаётган муаммолар юзасидан аниқ маълумотлар шаклланди. Аввало, муайян сабаблар билан уйда ўтириб қолган, лекин ишлаш истагида бўлган аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида улар билан алоҳида суҳбатлар ўтказди. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Муқаддас Бекназарова билан ҳамкорликда ишсиз хотин-қизларнинг тадбиркорлик қилиши учун имтиёзли кредит олишига қўмақлашилди.

— 18 аёл-қизнинг турли йўналишларда тадбиркорлик билан шуғулланиш бўйича бизнес ғоялари тўлиқ ўрганилиб, имтиёзли кредитлар олиб берилди. Бундан ташқари, ишсиз 11 аёл жамоат ишларига жалб этилди, — дейди “Фаровон” МФЙ хотин-қизлар фаоли Сайёра Қорабоева. — Шунингдек, 2023 йилда 4-босқич “Аёллар дафтари”га 71 хотин-қиз киритилди. Жиддий ўрганишлар натижасида 18 нафар эҳтиёжманд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Ҳоким ёрдамчиси билан доимий ҳамкорлик натижасида ишсиз, эҳтиёжманд 3 аёлга субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди.

Сайёра Қорабоева халқ орасига кириб боргани сари оилалар муҳити соғлом, аёл-қизлар кўнгли хотиржамлиги, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бугунги давр талаби эканини чуқур англаб бораверади.

Маҳалладаги ногиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган аёллар ҳолидан хабар олиш, улар ҳаётига оид муаммоларни биринчи галда ҳал этиш Сайёра Қорабоева фаолиятидаги доимий долзарб масалалар сирасига кириди. Уларнинг уй-жойларини таъмирлаб бериш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, фарзандлари таълим-тарбияси

Президентимиз ўз нутқида айтиб ўтганидек, 2024 йил Марказий Осиёда “яшил” тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш йўлида фикр алмашиш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун Самарқанд халқаро иқлим форумини ўтказиш режалаштирилган. Бунда албатта, Хитой каби стратегик шерикларимизнинг иштироки муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Чин ўлкасининг “Яшил ипак йўли” доирасида кенг қўламли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари жуда долзарб ва асосли тақдирларни илгари сурди. Энг аввало, “Марказий Осиёнинг “яшил” кун тартиби” ва “Яшил ипак йўли” концептуал ташаббусларини ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошириш тақдир этилди. Бунда иқтисодиёт тармоқларини “яшил” тараққиёт талаблари асосида трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ва энергетика тармоқларида барқарор инфратузилмани яратиш, “яшил” санат қувватларини ишга тушириш, камбағалликни қисқартириш ва “ақлли” қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш талаб этилади.

“Яшил” ишлаб чиқариш занжирлари ва инновацияларни ривожлантириш соҳасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш ҳам долзарб. Бу борада Хитой компаниялари тажрибаси жуда катта. Президентимиз Хитойнинг етакчи компаниялари билан биргаликда ва бошқа хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, “яшил технологиялар”ни кенг жорий қилиш асосида санат соҳасида ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни амалга ошириш учун Оролбўйи минтақасида Махсус

намунали технологик парк ташкил этилишини билдирди. Бу мақсадлар Орол фожиасини юмшатишда муҳим роль ўйнайди. Демакки, “Макон ва йўл” дастурининг “яшил” инвестициялар тамойиллари” борасидаги ташаббуси биз учун ҳам фойдали. Қолаверса, давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда “Яшил” молиялаштириш” жамғармасини таъсис этишни тақдир қилди. Унинг аҳамияти шундаки, жамғарма кам углеродли иқтисодиёт ва “тоза” технологияларни ривожлантириш, шунингдек, минтақа мамлакатларида юқори экологик стандартларни жорий этиш учун молиявий ресурсларни сафарбар қилишнинг таъсирчан воситасига айланади.

Шу ўринда Президентимиз таъкидлаган яна бир масалага тўхталмоқчиман. Жамиятда табиий ресурслар ва атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш бўйича аъёнавий қадриятларни, маданиятнинг қадриятларини сақлаб қолиш, “яшил” тараққиётни таъминлаб бўлмайдими. Табиатга нисбатан бепасандлик, адолатсизлик, эътиборсизлик сизу бизни бугунги оғир экологик аҳволга олиб келди. “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида “яшил” маданиятни ривожлантириш бўйича Глобал дастурни ишга туширишни ва унда этно-экологик фестиваллар, форумлар, мамлакатларимиздаги таниқли жамоат арбоблари, фан, бизнес ва маданият намояндалари иштирокида тақдимотлар ва тадбирлар ўтказишни назарда тутиш тақдир этилгани ҳам бежиз эмас. Негаки, экологик маданиятни тарғиботсиз шакллантириб бўлмайди.

Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг Хитойга ташрифи доирасида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви чоғида мамлакатлар ўртасидаги эришилган келишувлар изчил бажарилаётгани, кўп қиррали муносабатларни янада чуқурлаштиришга қаратилган асосий масалалар

борасида томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида мамнуният билан таъкидланди.

Жумладан, таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бераётгани борасида тўхталганимиз, ёшлар орасида хитой тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига 1990 йилдан буён хитой тили ўргатилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда 800 га яқин талаба хитой тилини асосий ва иккинчи тил сифатида ўрганмоқда. Уларга 13 нафар маҳаллий ва 12 нафар хитойлик мутахассис дарс беради.

Талабаларнинг тил малакасини ошириш ҳамда Хитой маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишишини таъминлаш мақсадида Хитой ҳукумати ҳамда ҳамкор олийгоҳлар гранти асосида 52 талабамиз 1 йил муддатга ушбу мамлакатга юборилган. Ўз навбатида, 40 нафар хитойлик талаба магистратура мутахассисликлари ва бакалаврият таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига таҳсил олмақда. Олийгоҳ Хитойнинг Пекин чет тиллар университети, Чангчун миллий университети, Конфуций институти, Шарқий Лиандонг университети, Ланжоу университети, Шанхай чет тиллар университети, Нанкин политехника университети билан ҳамкорлик қилиб келади.

“Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форуми мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаб, бу борадаги янги босқични бошлаб беради. Ўзбекистон раҳбарининг ушбу форумдаги иштироки эса мамлакатимиз халқаро ҳамкорликка катта аҳамият бераётгани ва глобал иқтисодий мулоқотга салмоқли ҳисса қўшиш ниятида эканидан далолатдор. Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган ташаббуслар миллий ва минтақавий ривожланишимиз учун жуда муҳимдир.

тоифадаги обод ва файзли гўшалардан. МФЙ масъуллари ҳудуддаги хондонларда тез-тез бўлиб, ишсиз, ишлашга эҳтиёжи бор фуқаролар бандлигини таъминлашга, уларга муносиб турмуш шароитлари яратишга ҳаракат қилишади. Айниқса, манзилга қўллаб-қувватлаш дафтаридаги қишлоқ ҳўжалиги фаолиятлари киритилган ёшлар, аёлларнинг ҳолидан хабар олиниб, имкон қадар қўллаб-қувватланмоқда.

“Аёллар дафтари”нинг 6-тоифасига рўйхатга олинган Шахло Бекмуродова 5 фарзанднинг онаси. У узоқ йиллар фарзандлари тарбияси билан шуғулланди. Турмуш ўртоғи Рустам Ўтабоев ишлаб, оиласини таъминлаб қўйишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, Шахло бекор ўтиришни ўзига эп кўрмади.

Мамлакатимизда аёл-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай меҳнат қилиши, иқтисодини намоён этишига шароит яратиш йўлидаги ишлар унга далда бўлди. Ишлаш истагини, лекин фарзандларини қаровсиз қолдириб кета олмаслигини маҳалла фуқаролар йиғини масъулларига бориб айтди. Уларнинг маслаҳатига кўра, тикувчиликни бошлаб, ўзини ўзи банд қилди.

— Болалигимда бувим менга дўппи, кийимлар тикишни ўргатган, ҳар бир қизнинг қўлида ҳўнари бўлса, ҳаётда қийналмайди, дея кўп насихат қиларди, — дейди Шахло Бекмуродова. — Шу тариқа йиллар ўтиб, чевар бўлдим. Дастан Мангитдаги, кейинчалик Тошкентдаги тикув цехларида ишладим.

Ҳўнардан ризқ топаётган аёл

Амударё туманидаги “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғини “яшил”



Шахло Бекмуродованинг буви билан ўрганган бу ҳўнари ҳаётида жуда асқотади. Ҳозир ҳам оиласида, фарзандларига кўз-қулоқ бўлиб тиккан кийимлари мижозларга манзур бўлмоқда. У буюртма асосида турли хилдаги аёллар, эркаклар ва болалар кийимларини тикишдан ташқари, маҳсулотини бозорга ҳам чиқаради.

— Ота-боболаримиз “Ҳўнар — ҳўнардан ризқинг унар”, деб бежиз айтмаган. Қолаверса, неча ҳўнаринг бўлса-да, кўплик қилмайди одамга, — дейди Шахло Бекмуродова. — Шу билан бирга, 5,5 миллион сўм имтиёзли кредитга пиширилган пўшириндан ускуна сотиб олдим ва бу борада ҳам анча маҳоратга эга бўлдим.

Тиниб-тинчимас аёл яқинда тадбиркорлик асослари бўйича курсда ўқиб, махсус сертификат олди ва фаолиятини кенгайтириш, тадбиркор сифатида тикув цехи очиб ниятидалигини айтди.

Матлуба ёрдамга кўз тикиб ўтиришни ўзига эп кўрмади

Матлуба Тўлиева Амударё туманидаги “Беруний” МФЙда яшади. Турмуш ўртоғи мавсумий ишларда ишлаб, рўзгор юкени бир ўзи тортиб келаётгани боис, унга қўмақдош бўлишга интилади. “Аёллар дафтари”га киритилган Матлубага маҳалла масъуллари тикувчилик фаолиятини йўлга қўйишга қўмақ берди.

Матлуба давлатнинг ёрдамига кўз тикиб ўтиришни ўзига эп кўрмади, ишга киришди. Ҳадемай унинг ўзига ихлос, маҳорат билан тиккан кийимларига мижозлар ҳам кўлайди.

Матлуба Тўлиева бор маҳоратини буюртмани ҳўшбичим, чиройли қилиб бажаришга сарфлайди, тиккан кийим одамларга манзур бўлаётганидан қувонади. У доимий даромадга эга бўлиб, меҳнатлари самарасидан “Аёллар дафтари”дан чиқарилди.

Атрофимизда боқимандаликни ўзига раво кўрмайдиган хотин-қизлар сафи кун сайин кўпайиб бораётгани яхшилик, фаровонлик аломатидир.

Минажатов,
ҚўТЛИМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

БУГУН ТАЛАБАНИ АУДИТОРИЯДА ШУНЧАКИ УШЛАБ ЎТИРОЛМАЙСИЗ...

Уни мутахассисликка қизиқтириш учун бошқача йўл тутиш керак



Абдугани ЭЛМУРОДОВ, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети проректори, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор

Бошланғичи 1-бетда

Малакали, билимли, қолаверса, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ҳар бир босқичида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, юқори даражага кўтариш борасида муайян вазифаларни бажариш зарур. Бунинг учун бугун барча ОТМда таълим сифатини оширишнинг уч асосий омилга эътибор қаратилаётган. Булар — моддий-техник база, юқори илмий салоҳият ва педагогик маҳоратга эга жамоа ҳамда рақамли технологиялар асосида амалиётга йўналтирилган таълим. Бунда халқаро тажриба, ишлаб чиқаришдаги янгиликлар ва ахборот технологиялари уйғунлашган ҳолда ўқитилади. Мисол учун, қишлоқ ҳўжалиги, ветеринария ва чорвачилик бўйича аудиторияда дарс ўтадиган профессорнинг навбатдаги сабоги ишлаб чиқаришда бўлиши керак. Шунда талабани мутахассисликка қизиқтиради.

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, университетлар замонавий қиёфа касб этиши билан бирга, сўнги рӯсумдаги ўқув ва илмий лабораториялар, ахборот-коммуникация технологиялари ва мультимедиа ускуналар билан жиҳозланган ўқув хоналари, ахборот-ресурс марказлари, ягона ахборот алмашинув платформаларига эга бўлди. Жумладан, кейинги пайтда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида ҳам муайян сифат ўзгаришлари кузатилди. Тегшли меъёрий-ҳўқуқий ҳужжатларга мувофиқ, университет моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 720 ўринли ўқув-лаборатория биноси, 10 та замонавий ўқув лабораторияси, шунингдек, халқаро лоийҳалар доирасида ветеринарияда биологик хавфнинг олдини олиш, сутни қайта ишлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги лабораториялари жиҳозланди. Ўқув жараёни учун виварий, ўқув-тажриба ҳўжалиги, тизимдаги илмий-тадқиқот институтлари, ҳамкор корхоналар ҳам таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва ўқитишдаги халқаро ҳамкорлик, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар мобиллиги талаби асосида ўқув дастурларини такомиллаштириш зарурати туғилди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг тегшли буйруғи билан ОТМларда соҳалар бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил этилди. Бу кенгашнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, университетнинг ҳар бир соҳага масъул етакчи профессор-ўқитувчилари танлаб олинган ҳолда, ишчи гуруҳи тузилди. Шунингдек, ҳар бир таълим йўналиши, магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, фан дастурлари, ўқув режалари ишлаб чиқиш бўйича алоҳида масъул кенгашлар очилди. Шу кунга қадар вазирлик ҳўзурдаги ОТМ ўқув-услубий фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этиб келинган масалалар энди дастлабки экспертизадан ўтказиш учун ушбу кичик мувофиқлаштирувчи шўъбаларда кўриб чиқилади.

Ушбу йўналишда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида ветеринария соҳаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти йўлга қўйилди. Унга йўналишлар учун мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари, 10 дан ортиқ йирик, барқарор фаолият кўрсатаётган корхона-ташкilot ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари кенгаш аъзоллигига киритилди. Кенгаш ишида ветеринария таълимининг бакалаврият йўналиши ва магистратура ихтисослиги малака талаблари, ўқув режалар, фан дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда 2023/2024 ўқув йилида амалиётга жорий этилди. Шу билан бирга, олий таълим ўқув дастурларига

Бунда таълим сифатини оширишга қўйилган дастлабки муҳим қадмидир. Дастурнинг мукамал бўлиши аудиторияда дарс сифатининг пойдеворини белгилайди. Чунки бугун кадрлар тайёрлашга қўйилган талаб ўзгача. Меҳнат бозорига рақобатбардош кадрларга талаб кўчайган. Шу боис, халқаро меҳнат бозори талаблари асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурларини такомиллаштиришга ҳаракат қилинди. Айнан ветеринария таълим йўналишлари учун ривожланган 30 давлатнинг ўқув режалари ўрганиб чиқилди. Хорижий давлатларда ветеринария ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаш учун 5, 6 ва ҳатто 7 йил талаб этилади. Халқаро эпизоотик бюро (ХЭБ) талабларига мувофиқ, Ўзбекистонда ветеринария таълим йўналиши ўқув дастур-



ларини ўзлаштириш муддати 5 йилдан кам бўлмаслиги белгиланган. Бу меъёр 2022/2023 ўқув йилидан университетда, 2023/2024 ўқув йилидан мамлакатимиздаги ветеринария мутахассислари тайёрлайдиган бошқа ОТМларга ҳам жорий қилинди.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ўқув режалари АҚШнинг Миннесота университети ветеринария медицинаси таълим йўналиши ўқув режалари асосида такомиллаштирилиб, ўзинизга мосланиди ҳамда 2023/2024 ўқув йилида жорий қилинди. Унда асосий 26 та фан қўлдирилди (илгари 40-45 та фан ўқитилган), иш бевури корхона ва ташиқотларнинг тақлифи асосида янги танлов фанлари ҳам киритилди.

Бугун ишлаб чиқаришда мулкка эгаллик шакли ўзгарган. Хусусий секторда катта контингент, иш ўринлари мавжуд. Ишлаб чиқаришга чиққан мутахассисдан бозор нимани талаб қилапти — биз ана шунини ўқув дастурига киритишга интилдик. Энди ўқитиш тизими сифатини белгилаш учун назарияга эмас, амалиётга йўналтирилган таълим бўлади. Талабаларимиз 2-курсдан бошлаб келгусида фаолият кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўтади. Ҳар бир талабанимиз учун барқарор фаолият кўрсатаётган йирик чорвачилик кластерларида иш ҳақи бериладиган амалиётни кўпроқ ташкил этишга ҳаракат қилдик.

Республика ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар бошқармалари, туман

ўзгача педагогик технология билан ёндашиш талаб қилинади. 80 дақиқалик дарс жараёнида профессор-ўқитувчи эмас, талаба асосий ўринга чиқади. Аудиторияда бериладиган дарснинг асосий қисми талабанимиз мустақил изланиши асосида ўзлаштирилади. Университетда педагогик технологиялар билан ахборот технологиялари уйғунлаштирилган ҳолда дарс ўтиш методикаси жорий қилинди. Бунда профессор-ўқитувчи фақат маъруза билан чекланмай, мультимедиа воситаларидан фойдаланади. Ишлаб чиқариш жараёнига доир муаммоларни ёритади. Соҳага доир энг сўнги янгилик ва хабарларни қаердан қидириб топил қарақлиғини ҳам тушутиради.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида таълим сифатини ошириш учун илмий салоҳиятини 70 фоизга етказиш белгиланган. Бир неча йил олдин университетимизда илмий даражага эга профессор-ўқитувчилар салмоғи 28-32 фоиз эди. Бугунга келиб, кафедраларимизда илмий салоҳият 55-65 фоизга кўтарилди. Уларнинг ўртча ёши ҳам ёшариб бормоқда. Бу борада ветеринария ва чорвачилик соҳаси учун илмий педагог кадрлар тайёрлаш инкубатори мега-лоийҳаси фаолият юритмоқда.

Олий таълим сифатини ошириш ҳамда "фан — таълим — ишлаб чиқариш" тизимини хорижий тажриба асосида интеграцияни йўлга қўйиш, ушбу жараёнга чет элдан ҳамкор ОТМлар профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш компаниялари вакиллари жалб қилган ҳолда янада жадаллаштириш даври талаби. Мамлакатимизда замонавий билим ва қўникмаларга эга, фан-техниканинг илғор ютуқларини эгаллаган интеллектуал кадрларни тайёрлашда "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Олий таълим соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси асосида ташкил этилган узлуксиз таълим тизими муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатни барқарор ривожлантиришда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талабларига мослаштириш, олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, интеллектуал қобилиятини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс шифатида шаклланиши учун зарур шароитлар яратиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш каби йўналишлар олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидир.

Мазкур мақсадларга эришишда ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнини халқаро талабларга мослаштириш ва олий таълим муассасалари брендини шакллантириш тизимдаги рақобатбардошликни оширишнинг муҳим шартларидан.

НИГОҲ

ТАРБИЯНИНГ етти усули

ЮЗ МАРТА ЭШИТГАНДАН БИР МАРТА Кўрган яхши(ми)?

Абдурауф Фитратнинг шундай фикри бор: "Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳўрмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қўл, асир бўлиши уларнинг ўз оталаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ".



Холбой ИБРАИМОВ, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Президентимиз бу педагогик фикрнинг олтинга тенг, деб баҳолади. Шу асосда миллиятни элтувчи келажакка икки йўлни кўрсатиб берди: биринчи йўл — бахт, иккинчиси — бахтсизлик йўли. Гап 20-30 йилдан сўнг ҳаёт майдонига кириб келадиган болаларимиз, халқимизнинг шунча муддатдан кейинги аҳволи ҳақида кетмоқда. Ота-оналар жигарбандларини тарбиялаш билан давлат олдидаги стратегик вазифаларини бажаради. Натيجида тарбияланган авлод ҳаракат қилиб, аниқ мақсадга етади.

Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ёшлар тарбиясига боғлиқлиги алоҳида таъкидланаётгани бежиз эмас. Фарзандларимиз таълим-тарбияси миллий юксалишимизнинг кўч-қудратига айланиши учун, аввало, оила тарбияси биринчи ва энг муҳим вазифани бажариши керак.

Ҳар ишчи устасига топшириш кераклиги халқимизнинг "Чумчўқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" мақолида акс этган. Бу ҳикоят Европа, ривожланган давлатлар фуқаролари аъмолига айланган бўлди. Бундан 20-30 йил илгари ўзимиз қилган ишларни (томорқани қўқаламзорлаштириш, пардоз-андоз, автомашина ювиш, мойини алмаштириш, кузда банка ёпиш каби) устаси фарангига қилдирилган ёки улар маслаҳатини олиб, бажарилган.

Машина ҳайдаш учун ичига кириш керак. Худди, шунингдек, педагогикани ўргатиш учун унинг мазмун-моҳиятига кириш, профессионал педагог-тарбиячи ўғитишга амал қилиш зарур. Қаранг, ўсимир ўғилнинг ёхуд қизингиз қандай хушумомала: чойни дамлаб, қўйиб, узатиб турибди. Сизга меҳрибон, қатъиятли, дадил, тадбирли, бадастир. Қандай яхши, қандай мароқли! Демак, улғара шу фазилатларни билиб, танлаб, ўргатибсиз. Ҳафса сала билан қараб, қутибсиз. Бугун ана шу фазилатлар боланингизга қўшилиб, қамолга етибди. Булар баракани, ширин ҳосил беради. Авлодларнинг сарбаланд қилади, қалбига қувонч улашади. Чунки сиз ўстирган хислатлар ўғил-қизингизга, улардан фарзандларига ўтади.

Бу қувончли манзарани ҳеч ким биз учун ҳосил қилмайди. У — маънавият, маърифий меҳнат, тарбия, яъни ўргатишнинг самараси. "Тарбия" деганда айрим ота-оналар "бола билан гаплашиб ё адабини бериб қўйиш"ни тушунади. Аслида, тарбиянинг асосий, халқ синаган методлари миллий тарбиямиз ва мақолларимизда айтилган. Халқимизнинг "Қўш индида кўрганни қилади", "Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши" деган ҳикоятлари бор. Эътибор бериб, асосий ургу сўзга эмас, қўзга қаратилаяпти. Бу бежиз эмас. Чунки ўзингиз кўрмаган ҳаракатни қилиб кўрсата олмайсиз. Бола ҳам шундай: кўрмаган ишини бажармайди. Демак, фарзанд тарбиясида болаларимиз ўғитишга амал қилиш, яхши хулқ-одоб ҳақида юз марта гапиргандан бир марта кўрсатган афзал.

Чунки бола қайси хатти-ҳаракатларни кўп кўрган ва тақрорлаган бўлса, ана шулар хулқига муҳрланади. Чўқур из қолдиради. Унинг қилмишида юзага чиқади. Мисол учун, бола улғайгунга қадар ҳар қуни отасининг юриш-туриши, уйдаги-ларга муомаласи, чой ичиши, телефонда гаплашиши, гавдасини тутиб юриши, кулиши, асабийлашиши, ота-онасига меҳрибонлик (ёки аксинча, қўполик) қилётганини кўради. Ота-она болалари қузатаётганини сезмайди ҳам. Шундай экан, ота-оналарга бир тавсиямиз бор: боланинг сизнинг ёшингизга етганида қандай одам бўлишини истасангиз, ўзингиз ҳозир шундай бўлинг!

Президентимиз Фаргона вилоятида аҳоли билан учрашувлардан бирида: "Ешларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қўлоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий қўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз", деди. Эътибор бериб, гап аждодларимизнинг бой тарбиявий мероси ҳақида кетаяпти. Бунда жуда катта ҳикмат бор.

Келинг, ўзимиздан "Ота-она тарбиясини олган бола яхшими ёки бобо-буви тарбиясини олган?" деб сўрайлик. Бейхитёр иккинчиси тўғри, деймиз. Кўпни кўрган ота-сингилларимиз "Буви тарбиясини олган қиз яхши бўлади", дейди. Нега? Чунки бобо-бувиларимиз шойимлай, бола йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиб, тушунтириб, пухта тарбиялаган. Олдини олиб тарбиялаш педагогик профилантикадир. Айрим ота-оналар кўпичинча кечикиб, яъни болада бирор иллат юзага чиққанидан кейин бузилган хулқни тузатишни талаб қилади. Бу — кечиккан тарбия, қайта тарбиялаш. Қайта тарбиялаш жуда қимматга тушади. У бир неча қарра кўп меҳнат, вақт ва эътибор талаб қилади.

Кўпичинча боламизга одоблилик қандай бўлишини тушултирмай, кўрсатмай, "Одобли бўл!" ёки одобсизлик нималигини уқтирмай, "Одобсиз бўлма!" деймиз. "Мана бундай қил, ундай қилма", деб кўрсатмаймиз, эринамиз. Ваҳоланки, буларнинг бири — рағбат, иккинчиси — тақиб, Демак, фазилатни ҳам ва унинг зидди бўлган иллатни ҳам тасвирлаб, тушултириб беришимиз керак. Чунки маъносини тушултирмаган тарбиявий талабни бажариш учун болада ишонч етишмайди. Меҳнатсеварлик билан дангасаликни, меҳрибонлик билан бемехриликни, билимдонлик билан билимсизликни, хушмуомалалик билан қўполикни қиёслаб, фазилатнинг афзаллигига ишонтириб тарбиялашимиз керак.

Бунинг учун етти тавсия бор:



- биринчиси, фарзандингиз эришган ҳар бир кичик ютуқни мақтаб, қўллаб-қувватланг;
- иккинчиси, хато қилса, бунинг сабаб ва оқибатларини ётғи билан айтинг. Бола хатосини, сабаб ва оқибатларини англаб олсин. Сўнг хулосасини гапириб берсин;
- учинчиси, фарзандингизга эмас, унинг яхши ёки ёмон қилмишига баҳо бериб. Бола ва қилмиши бир хил эмас;
- тўртинчиси, фарзандингизни акаси, олпаси ёки қўшининг боласи, синфдошлари билан солиштирманг, ҳасадга ўрганади. Унинг ўзини ўзи билан солиштириб гапиринг; бешинчиси, боланингизга яхши фазилатларга таянинг;
- олтинчиси, ўзига тегшли ишларда мустақил қарор қабул қилишига қўйиб беринг.
- еттинчиси, унинг ҳар бир ишни ўзи ҳал қилишга интилишини қўллаб-қувватланг.



Акбарани ЎКИ ОҚБАРРА?!

(ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИГА)

“Одамнинг умри нима, деган саволга жавоб топиб бериш қийин. Инсон муносабатлари шунчалар турфа, табиати, феъл-атвори шунчалар ранг-баранг ва мураккабки, ҳатто энг мукамал, замонавий компьютер тизимлари ҳам энг оддий инсон табиатининг умумий чизигини ажратиб беролмайди”.

Бу иқтибос Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” романидан олинган. Бир-бирига боғланмаган бир неча воқеадан ташкил топган асарда бир жуфт бўри — Акбара ва Тошчайнар жанжир вазифасини бажаради. Англаганингиздек, роман воқеалари бўрилининг аччиқ тақдири устига қурилган. Қизиқ жихати, ёзувчи асарни ҳикоя қиларкан, бир сюжетдан, бир замон ва макондан бошқасига ўтади. Бу тасвирлар шунчалик моҳирона ифодаланганки, кўчишлар ўқувчида ҳеч қандай ўнғайсизлик тўғдирмайди.



Бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз бошқа бир жихат. Мўъжизаларнинг йўқ жойдан пайдо бўлмаслиги масаланинг бир қирраси бўлса, уни қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш, умуминсоният мулкига айлантириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар иккинчи муҳим омилидир. Ёзувчининг бутун талантини, истеъдодининг жами кўлами ва қиррасини сиғдира оладиган олтин барқаш эса Ўзбекистон деб аталган мамлакат эди. Биринчидан, биз туркий тилли маданият ворисларимиз ва адаб ижодининг бутун асорини инкишоф этиб, қабул қилдиган, шарҳлаб, авайлаб-сақлаб, қадрга етатидиган даражадаги салоҳиятли минг йилликлар маданиятини ўзида жамлаган олтин сандиқ — Ўзбекистонда бўлиши мумкин эди.

Умуман, Чингиз Айтматов ижодида янги “илм”ларга озуқа берадиган ўринлар кўп. “Плаха” романи биринчи марта ўзбек тилида Иброҳим Ғафуров таржимасида “Шарқ юлдузи” журналида 1987 йил “Қунда” номи билан эълон қилинган (кейин “Қиёмат”). Унда бўрилар — Тошчайнар ва Акбара каламга олинган. Бу ўринда гап бошқа нарса ҳақида эмас, айнан “Акбара” сўзи ҳақида.

Бу ҳолни Чингиз Айтматовнинг ўзи ҳам ҳис қилган, чамаси, у ёзганлари “ёввойи тунгус ёки чечен” (Пушкин ибораси) қўлига тушиб қолишини хоҳламаган, албатта, юртимизга бетакрор меҳр билан қараган, бу жойларда ўзгача роҳат қилган. Унинг асарлари айрим ҳолларда қирғизчадан ҳам олдин ўзбек тилида нашр этилган. Моҳир таржимонлар саъй-ҳаракати билан улар худди она тилимизда битилгандек янграган. Ана шундай меҳр ва эътибор ҳамасули сифатида Ўзбекистонда ҳам ўзига хос айтмовшунослик юзага келди. Олимларимиз адаб асарларининг эстетик нуфузини инкишоф этиш, китобхонлар уларни бекум куш тушуниши учун олтин қалиб тайёрлаш борасида салмоқли ишлар қилгандилар. Жумладан, ёзувчи асарларининг ўзбекча таржималари катта тадқиқотларга мавзу бўлмоқда. Бундай кузатишлар, тадқиқотлар тўхтаб қолмайди.

Асли иختисоси араб тили мударриси бўлган Мухлиснинг бундай мувоҳазаси бор: “Ўзбек китобхонлари она бўрини шу ном билан қабул қилдилар-у, билмадик, уларнинг неча фоизда бу сўз арабча экани, у “кабир” (бирлиги) сўздан ясалган киши исми экани ва бу сўзнинг бўри наслига қанчалик алоқаси борлиги ҳақида гумон уйғонди, лекин аниқки, бунда чалқашлик бор. Таржимада ўқиймиз: “Шу ерлик чўпонлар бу қанжик бўрини Оқдил (оригиналда — “Ақдаль”) — русча изоҳда “Белохолка”, яъни оқ яғрини) деб юришди. Кейин-кейин бориб Акбари дедилар, яна бир мунча вақтлар ўтиб эса Акбара — Улуғ деб атадилар” (“улуг” сўзнинг арабча тўғри таржимаси — кабир, азиим). Албатта, ҳайвонга қирғиз қавми томонидан Акбар(а) деб ном қўйиши кишини шубҳалантирмади.

Роман рус тилида ёзилган (уни қирғизчага Ҳошим Жақилбеков таржима қилган). Муаллиф бўриларнинг тусига ургу берганда “оқ” сўзини кўп қўллаган: “ёллари оқиш-қуқиш тусда”, “буларни оқёл (оқжалы) деб аташарди”, “қанжикнинг оқариб кўринган кўкраги”, “Акбаранинг худди ўзи — кук кўз, човида оқ ямоғи бор” ва бошқа. Она бўрини дастлаб оқдил (аслида ақдаль — белохолка, оқ яғрин) деб атайдилар.

Энди ажратиб оламиз: “акбара”даги биринчи бўғин “ак” мабодо “оқ” эмасми-кан? Худди шундайлиги аниқ, “барра” эса “барра” (мерлушка) — жуң (яъни барра пўстин). Демак, Акбара — оқ барра, оқ жуңли бўри ёки шунчаки “оқ бўри”.

Одатда “хамроҳ” деганда, ўзаро мулоқотга киришиб кетадиган ҳамфир, шерик тушунишса, ҳайвонни хамроҳ дейишда иштибоҳ туғилади. Мабодо ўша гап қуйидагига ўтирилса-чи: “Мана бугун ўша жойга изидан инт эргашиб келаётган туя-трактор аралаш мотам карвони яқинлашмоқда эди”.

Мухлис шундай далилларни келтирди. Бу ёзувчи ижодини севадиган ва ҳурмат қиладиган, шунингдек, бирор нуктада чалқашлик бўлмастлигини истоган китобхоннинг меҳри сўзлари. Бироқ оригиналда ҳам муаллиф бу фикрни тасдиқлаб турибди: “Вольница прозввалась среди здешних чабанов Ақдаль, иначе говоря Белохолкой, но вскоре по закону трансформации языка она превратилась (таржимада бу сўзлар ўқ) в Акбары, а потом в Акбару — Великую”.

Чингиз Айтматов шундай ёзди, таржимон бундай ўғирди, олим шундай баҳолади, муҳлис бундай деди — ҳақиқат қай томонда? Мана — илм.

Ҳақим САТТОРИЙ, ёзувчи



ТУРИЗМ

ФАРҒОНАГА УЧ МИЛЛИОН САЙЁҲ ТАШРИФ БУЮРАДИ

Бугун Фарғона вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш, сайёҳлар оқимини оширишга ҳар қачонгидан эътибор ошди. Шу мақсадда эко, агро, экстремал, тиббий, кўнгилочар ва бошқа туристик масканлар ташкил этиш борасида умумий қиймати 1,1 триллион сўмлик 159 лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу ички ва ташқи туризм йўналишида янги имконият екишларини очди. Жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятга 2 миллион 627 минг сайёҳ ташриф буюрди. Бу ўтган йилга нисбатан 142,4 фоизга кўп. Сайёҳларнинг вилоятда қолиши 1-2 кундан 3-5 кунга узайди.

Бу бежиз эмас. Кейинги йилларда туризм маҳаллалари ва қишлоқларини ривожлантириш, сайёҳлар учун керакли инфратузилма тarmoқларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилляпти. Чунки саёҳатга келаётган кўплаб меҳмонлар тарихий қадамжолар, оддий одамлар ҳаёт тарзи, урф-одат ва қадриятлар акс этиб турган шароитда, сўлим табиат қўнида



қунда мазкур маскани қайта тиклаш, аҳоли учун дам олиш жойлари, меҳмонхона қуриш юзасидан билдирган тақлифларимизни вилоят ҳокими қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам берапти.

Маҳаллада ҳунармандчилик ва агро туризмни ривожлантиришга бўлган эътибор юқори. Қосибчилик йўналишида “Хайрихон Камол орузси” оилавий қорхона махси-қовушлар тайёрлашни йўлга қўйди. Қорхонада 70 дан ортиқ маҳалла хотин-қизлари касаначилик асосида ишламоқда. Етмишдан ортиқ хонадон томоқрасидаги иссиқхонада турли сабзавот ва лимон етиштирилиб, худуддаги бўш турган бинода тикувчилик чеҳи ишга туширилди. Бу ерда сайёҳлар учун маҳсулотлар қўрғазмаси ва савдоси йўлга қўйилган. Меҳмонлар ҳунармандчилик буюмлари тайёрлаш жараёни билан бевоҳита танишиш ва буюртмалар бериш имкониятига эга.



Бундай хайрли ва ибратли ташаббуслар вилоятнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам кенг қўлчан ёймоқда. Фарғона туманидаги кўплаб қишлоқлар ҳамда Кўкон давлат ўрмон ҳўжалиги, “Водий тулпорлари” от спорти мажмуаси, Қува туманидаги “Қарқидон” сув омбори киргюклари, “Фарғона анорлари” ҳамда “Миндонобод” агроасаноат фирмалари бўйлаб саёҳатлар ташкил этиш йўналишларида янги лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Худудларнинг туризм салоҳияти ва мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш, “Ушиш нукталари”ни аниқлаб, сайёҳларни жалб этиш бўйича асосий драйверлар белгилаб олинди. Бу йўналишда биргина Риштон туманида 12 та туризм маҳалласи, Фарғона шаҳридаги бир қатор кўчалар бўйлаб туризм мавзеси, Кўкон шаҳрида 4 та туризм кўчаси ташкил этилди.

Беширлик туманининг Қияли ва Андархон қишлоқлари ҳамда Сўх туманида экотуризм лойиҳаларини амалга ошириш, Олтиариқ туманидаги Қизилтепа қишлоғида меҳмон уйлари ташкил этишга асосий эътибор қаратилляпти.

Авал қишлоғида 24 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилиб, овқатланиш, соғломлаштириш, транспорт, аттракцион, экскурсия сингари қўшимча хизмат турлари йўлга қўйилган.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

МЕҲМОНЛАРБОП ҚўЛЛАНМА

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, ўзбек тилининг луғат бойлигини оширувчи лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли луғатлар яратишга катта эътибор қаратилляпти.



Ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар ҳамда чет элликлар ва сайёҳларга давлат тилини ўргатиш тизимини такомиллаштириш, “Соҳада ўзбек тилининг қўлланилиши” фанлари жорий этилиши каби вазифалар 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Идея ўқиб, турк тилини ўргандим. Лицейни тамомлаган. АҚШда университетга кириб, ишловчи бўлиб қўйилдим. Айни вақтда турк тилини ўрганишим ҳам давом эттирдим.

Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармони билан 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси, уни амалга ошириш дастури тасдиқланди. Дастур бажарилишининг аниқ ижро механизмлари, молиявий манбалари белгилаб берилиши мазкур йўналишдаги фаолиятини изчил ташкил қилиш имкониятларини яратди. Шу муносабат билан олий таълим муассасалари экспертлари томонидан ўзбек тилини мустақил ўзлаштиришга мулжалланган ахборот методик таъминот платформаси (<http://uzb.lpa.gov.uz>) ишлаб чиқилди. Бундай электрон манбага эҳтиёж анча йиллардан бери бор эди.

Университетдаги таҳсилнинг охириги йили Измирдаги Эгей университетида бир профессор меҳмон бўлиб келди. У Кавказ ва Урта Осиёдаги туркий тиллар бўйича мутахассис эди. У билан учрашиб, иختисослиги билан танишиб, Урта Осиё ва Кавказ давлатларида қизиқа бошладим. Бошқа мен унга инглиз тилидан дарс беришга ҳаракат қилдим, у эса менга озарбайжончани ўргатди. Охири шундай бўлдики, дарслар бир четда қолди, биз у билан унинг Урта Осиё мамлакатларида қилган сафарлари ҳақида суҳбатлашадиган бўлдик.

Платформадан фойдаланиш жуда қулай. Ўзбек тилини осон, мустақил ва бепул ўрганиши истовчилар ҳаволага кириб, янги сўзлар қисмида курс бўйича ўзларини қизиқтираётган сўзлар таржимаси билан танишиши мумкин. Баъзи мавзуларда кроссвордлар ҳам берилган бўлиб, улар ечилгандан кейин ҳам ўрганувчиға жавобларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида маълумот тақдим этилади. Мавзуларни ўзлаштиришда ҳар бир йўналиш бўйича машқ саволлари ишлаб чиқилган.

Шу тарихи мен ҳам бу мавзуга қизиқиб қолдим. Ушанда 1993 йил эди. Магистратурада ўзбек тили бўйича ўқишга қарор қилдим. Чунки ислом дунёсидаги энг йирик адабий тиллар ҳисобланган уммоний туркчаси, форс, араб тиллари бўйича илмий ишлар кўп, аммо чигатоича — эски ўзбек тили бўйича Америкада илмий ишлар жуда кам эди. Шунинг учун бу йўналишда имконият кўп, янги илмий йўналиш бўлади, деб ўзбекчани ўрганишга қарор қилдим.

Ушбу платформанинг инглиз-ўзбек, рус-ўзбек тилларидаги сўзлашгич-луғатларнинг бошлангич варианты ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар ҳамда Ўзбекистонга келган чет эллик меҳмонлар (сайёҳлар) учун мулжалланган бўлиб, унда барча соҳаларга оид энг кўп ишлатиладиган атамалар (жумлалар) келтирилган.

Шу тарихи мен ҳам бу мавзуга қизиқиб қолдим. Ушанда 1993 йил эди. Магистратурада ўзбек тили бўйича ўқишга қарор қилдим. Чунки ислом дунёсидаги энг йирик адабий тиллар ҳисобланган уммоний туркчаси, форс, араб тиллари бўйича илмий ишлар кўп, аммо чигатоича — эски ўзбек тили бўйича Америкада илмий ишлар жуда кам эди. Шунинг учун бу йўналишда имконият кўп, янги илмий йўналиш бўлади, деб ўзбекчани ўрганишга қарор қилдим.

Илҳом МАМАТҚУЛОВ, иқтисодий фанлари доктори, Хуршид МАМАТҚУЛОВ, педагогика фанлари доктори

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ КАНЕР ҚИЛИНГ

